

ромад келтиради. Айниқса, фаол моддасининг сарф-меъёри ҳар бир гектарига граммлаб ўлчанадиган дорилар (моспилан, калипсо, конфидор, регент, аваунт кабилар) юқори самара бериши билан бирга, атроф- муҳитга таъсири камлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун танлаб таъсир этиб, тезда парчаланиб кетадиган дориларни доривор экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун ишлатса бўлади. Пестицидларни зараркунанда ва касалликларга қарши ишлатишдан олдин уларнинг иқтисодий зарар- миқдор мезонини билиш муҳимдир.

Доривор экинлар экилгандан бошлаб 3 – 4 чин барг чиқаргунча бўлган даврда уларга илдизқирқар тунламлар, лавлаги ва зиғир бургалари, хумбош қўнғизлар, симқурт ва сохта симқуртлар кўп зарар етказиши. Бу зараркунандаларга қарши курашда уруғларни инсектицид уруғ дорилагичлар билан дорилаб экиш ёки уруғ билан бирга бирор инсектицид шимдирилган ўғитни (аммофос ёки суперфосфат солиш 60 – 100 кг/га) қўллаш юқори самара беради. Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши

курашда Республика Давлат кимё комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган препаратлар рўйхати куйидаги жадвалда келтирилган [3,4].

Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кимёвий ишловни одатда бу зараркунанда ҳашарот тарқалган ерларда, ўсимлик зарарланганлиги кўзга ташланмасдан бурун, ёки 3-4фоиз ўсимлик зарарланганлигида бошлаш керак.

Трактор пуркагичлари ёрдамида бир йиллик ўт ўсимликларга гектарига 300 литр, дарахт ва бутасимон доривор ўсимликларга 500 – 1000 литр (экинларнинг яшил массасига қараб) кимёвий аралаш сарфлаб, ишлов ўтказилади. Кичик майдонларда ишлов ўтказилганда 10 литр сув сиғимли К-45 русумли моторли қўл аппарати ва 25 литр сув сиғимига эга бўлган аравачали кариола пуркагичида ишловлар ўтказилади.

Д.РЎЗИҚУЛОВ, ассистент,
А.ХОЛЛИЕВ, қ.х.ф.ф.д., доцент,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мурдахоев Ю.М. “Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар.” Тошкент: “Фан” 1984.
2. Носыров В.И., Дроздовская Л.С., Бушковская Л.М. “Интегрированная защита лекарственных культур – важный фактор повышения их урожайности.” В кн.: Защита лекарственных культур от вредителей, болезней и сорняков. – Москва, 1986.
3. Ў.Аҳмедов, А.Эргашев, А.Абзалов, М.Юлчиева. “Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси ва экология.” Тошкент – 2009 .
4. Дусманов И., Холлиев А. “Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш.” Тавсиянома. 2015.

УЎТ: 632.7

УЗУМЧИЛИК СИРАЛARI

ТОКНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАСИ - ТОК БАРГ ЎРОВЧИСИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: в статье основные вредители виноградной лозы использовались химическими агентами, такими как Проклейм 5% с.с., Нурелл-Д 55% к.т., и результаты исследования достигли биологической эффективности 82,6-86,9%.

Annotation: in the article, the main pests of the vine were used by chemical agents, such as Proclame 5% s.a., Nurell-D 55% c.t., and the results of the study reached a biological efficiency of 82.6-86.9%.

Бугунги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлардан бири узумчилик ҳисобланади. Сўнгги йилларда бир неча турдаги зараркунандалар тоқзорлар ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу зараркунандалар ичида энг кўп тарқалгани ток канаси, ток барг ўровчисидир.

Шингил ва ток барг ўровчиларининг ривожланиши ҳар мавсумда ҳам бир хил бўлмаслиги, биологик хусусияти ва ташқи омилларга боғлиқ жиҳатлари адабиётларда баён этилган. Тадқиқотчиларнинг эътирофи эътиҳа, ўртача популяция ҳолатида бир мавсумда кимёвий воситалар билан 2-4 мартагача зараркунанда авлодларига ишлов бериш улар сонини кескин камайтириш имконини яратади [1,2,3].

Айрим тадқиқотчилар зараркунанданинг баҳордаги авлодига қарши “Диметоат” препаратини икки маротаба қўллаш етарли эканлиги ва тутқичларга 4-5 дона капалаклар тушгандан 6-7 кун ўтиб кейинги ишловларни ўтказиш зарурлигини айтишган. Дарҳақиқат ток агробиотеносида ток барг ўровчисига қарши кимёвий воситалардан кенг фойдаланилади. Бунда

1-жадвал.
Кимёвий препаратларнинг ток барг ўровчисига қарши биологик самарадорлиги (Тошкент вилояти Қибрай тумани 2019 й.).

№	Тажриба вариантлари	Препарат сарф миқдори кг/га	Тажрибадан олдин зараркунандалар сони 1-та шингилда	Тажрибадан кейин зараркунандалар сони 1-та шингилда				Биологик самарадорлик %			
				3	7	14	21	3	7	14	21
1.	Проклейм 5% с.э.г.	0,5	4,8	2,3	1,7	0,6	0,8	52,9	67,9	89,6	86,9
2.	Нурелл-Д 55% к.э.	1,0	5,4	2,7	1,3	0,9	1,2	50,8	78,2	86,2	82,6
3.	Назорат (ишловсиз)	-	5,7	5,8	6,3	6,9	7,3	-	-	-	-

тадқиқотчилар инсектицидлардан “Децис экстра”, “Каратэ Зеон” препаратларини қўллашганда 72-98% биологик самардорликка эришилган [3,4].

Шингил ва ток барг ўровчилари миқдорини бошқаришда (Тошкент вилояти шароитида) самарали кимёвий воситаларни танлаш, қўллаш муддат ва меъёрларини тадқиқ этиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Шингил барг ўровчиси миқдорини бошқаришда янги турдаги кимёвий воситалар танланди ва уларни қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар режага асосан Қибрай туманидаги академик Маҳмуд Мирзаев номли БУВаВИТИ Тошкент илмий-тажри-

ба станциясида олиб борилди. Ток барг ўровчисига қарши кимёвий воситаларни қўллаш муддатларини тўғри танлаш зараркунанда миқдорини кескин камайтириш имконини беради (1-жадвал).

Хулоса шуки, тоқзорларда токнинг асосий зараркунандаси - ток барг ўровчисига қарши кимёвий препаратлардан “Проклейм” 5% с.э.г., “Нурелл-Д” 55 % к.э.каби воситаларни қўллаганда 82,6-86,9 % биологик самардорликка эришилади.

**С.УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ш.ЭСАНБОВ,
ТошДАУ.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Маликов А., Насимова Д. “Ток канасининг узумларга зарари ва унга қарши кураш усуллари.” // “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини” журнали. 2016. №3. 23-24 б.
2. Хўжаев Ш.Т. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари” // Тошкент-2013 й. 333 б.
3. Хўжаев Ш.Т., “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар”. Тошкент. “КО’НИ-НУР.” 2004, 104 б.

УЎТ: 632.996

БОҒДОРЧИЛИК: ЎҚИНГ, ҚўЛАБ КЎРИНГ

ОЛМА ҚУРТИГА ҚАРШИ ТРИХОГРАММАНИ ҚўЛАШ УСУЛИ

Аннотация: в Республике Узбекистан особое внимание уделяется развитию садоводства. Это не случайно. Благодаря развитию этого сектора, прежде всего, население нашей республики будет обеспечено качественными и экологически чистыми продуктами. Кроме того, экспорт фруктов и кондитерских изделий в экономику также является хорошим источником дохода.

Annotation: after Uzbekistan gained its independence, the cotton industry was abolished in agriculture. Thus, in the Republic of Uzbekistan alternative routes for cotton growing and horticulture are also provided. Particular attention is paid to the development of horticulture. It is not accidental. Thanks to the development of this sector, first of all, the population of our republic will be provided with quality and environmentally-friendly products. In addition, exports of fruits and pastry products to the economy is also a good source of income.

Калит сўзлар: мева, экологик, личинка, зарар, қарши кураш, самардорлик.

Кириш. Республикамызда боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки бу соҳани ривожлантириш орқали, биринчи навбатда, республикамыз аҳолисини мева ва ундан тайёрланадиган сифатли, экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлашга эришилади. Шунингдек, мева ва ундан тайёрланадиган саноат маҳсулотларини четга экспорт қилиш орқали иқтисодиётга яхшигина даромад ҳам келади.

Фермер ва томорқа хўжаликларида боғдорчиликни тўғри ташкил этиш, касаллик ва ҳашаротларга қарши курашни тақомиллаштириш давр талабидир. Тадқиқотларимиз ана шу йўналишларга қаратилган.

Тадқиқот объекти. Мамлакатимиз мевали боғлари ҳосилига олма қурти (*Carposaps pomonella*) катта зарар етказди. У шунингдек нок, ёнғоқ, олхўри сингари мевали дарахтларнинг асосий зараркунандаси ҳисобланади. Хўш бу зараркунандани йўқотишда қайси энтомофаглардан фойдаланиш яхши самара беради?

Таъкидлаш жоизки, олма қурти республикамызнинг барча минтақаларида 3 марта (тоғ олди туманларида 2 марта) насл бериб ривожланади. Олма қурти капалагининг узунлиги 18-21мм ни ташкил этиб, қанотлар тўқ кул ранг, тухуми юмалоқ, оқ, катталиги 1 мм атрофида. Олма қурти личинкалик даврида пилла ўраш учун дарахт пўстлогининг ёриқлари, коваклар,

илдиз атрофи тупроқ қатламларига тушади ва шу жойда пилла ичида қишлайди. Ғумбак ичидан чиққан ҳар бир катта ёшли қурт 2-3 тадан мевани зарарлайди. Мевани тешиб кирган жойидан чиқиндисини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижалари. Биз 2018-2019 йиллар йиллар мобайнида боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида, “Ренет” Нафис” Семеренко” навлари экилган боғларда олма қуртига қарши трихограммани (*Trichogramma chilonis*) қўллаш самардорлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказдик. *Trichogramma chilonis* олма қуртининг 3 та авлодига қарши ҳар хил меъёрда танлаб олинган 3 туп дарахтга, 4 маротаба такорлаш йўли билан 3 кун оралатиб қўйилди. Олма қуртининг учиш муддатлари феромон тутқичлар орқали аниқланди. Вегетация даврида ҳар 1 туп дарахтда 25-33 та олма қурти тухуми борлигини аниқладик. Трихограммаларни июнь ойида ҳаво ҳарорати +33°C, ҳавонинг нисбий намлиги 64-69% шароитида трихокарталарда (ғумбак ҳолатида) 1 гектарнинг 100 та нуқтасига тарқатилди. Трихограмманинг самарали сарф-меъёрини аниқлаш мақсадида 1:10 1:15 1:20 (тухум паразит) нисбатида синовдан ўтказилди. Трихограмма тарқатилгандан 3 кун ўтиб, кузатув ишларини олиб бордик. Тажрибада 3-7-10-кунлари натижаларни ҳисобга олдик.

Хулоса, тақлиф ва тавсиялар. Кузатувларимиз давомида ўртача ҳарорат кундузи 37±1-29±1°C, намлик эса ўртача 60-70%